



ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

276-6-83-ОВ/2022-

2022 й. «19» 7

Хакулобод ш.

сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Норин туман Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона директори М. Мирзахмедова биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган "CAPITAL MONTAJ" ООО номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият раҳбари Т. Абдусаломов, кейинги ўринларда «Объект» деб юритиладиган Норин тумани Катта Оқтовлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

I. Шартнома мавзуси

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ «Объект»да ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шaroитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунига асосан ва танлов комиссиясининг қарорига (25.05.2022 йилдаги VI-41-69-6-83-К/22 -сон қарор) асосан «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 174 100 000,0 (Бир юз етмиш тўрт миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1. бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг қиймати якуний деб ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форемажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

III. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Хужжат коди: **GO46602837**

– Барча ишларни мазкур шартноманинг 1-иловасига мувофиқ «Ишларни бажариш жадвали»да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг

Кўриб чиққан юрист: TEMIROV DONIYOR MAXAMADVALIYEVICH. Хужжат рақами: UW0554053725

кучлари ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

– «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

– Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини, ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбобукуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўйлаштириш;

– Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ўзгартирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажариш;

– «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

– Ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

4.1. «Объект»да қурилиш-монтаж ишлари бўйича ишлаб чиқилиб тегишли равишда тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларини «Пудратчи»га тақдим қилиш;

4.2. Шартноманинг 1-иловаси «Ишларни бажариш жадвали»га асосан бажариладиган ишларни тўла ҳажмда бажарилиши ва сифати устидан доимий техник назоратини амалга ошириш;

4.3. Шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

4.4. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

4.5. Шартноманинг 2-иловасида келтирилган «Молиялаштириш жадвали»га мувофиқ «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Хужжат коди: **GO46602837**

4.6. «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбобукуналарнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатиб ўтилган хужжатларга мувофиқлигини текшириш;

4.7. «Пудратчи» томонидан лойиҳа-смета хужжатлари асосида олиб борилмаган, сифатсиз ҳамда тўла ҳажмда бажарилмаган ишларни ўзининг ҳисобидан қайтадан бажарилишини таъминлаш;

4.8. «Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

V. Ишларни бажариш муддатлари

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш муддатлари “Ишларни бажариш жадвали”да белгилаб қўйилган муддатларда бажарилиши шарт.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, сўми 52 230 000,0 (Эллик икки миллион икки юз ўттиз минг) сўми ташкил этади.

6.2. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-2-иловалар).

6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

6.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи миқдоридаги тўлови, қурилиш ишлари тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, мазкур шартномада кайд этилган кафолатли муддат ўтиб бўлгандан сўнг, «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоблар якуний натижаларидан келиб-чиккан ҳолда ва шу билан бирга жорий молия йили тугамасдан амалга оширилади.

6.5. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб варағи (ФЗ)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайилланган техник назоратчи иштирокида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов хужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

6.6. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

VII. Ишларни бажариш

7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 1-илоvasи “Ишларни бажариш жадвали”да белгиланган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.6. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

VIII. Объектни қабул қилиб олиш

8.1. Объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек Объектларни қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

8.2. Объектни қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

8.3. «Пудратчи» тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

8.4. Объектни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Ҳужжат коди: **GO46602837**

8.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш назорат органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

8.6. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

IX. Кафолатлар

9.1. «Пудратчи»:

– барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

– лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

– ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

– ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

– объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган Объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи»нинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

9.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

10.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

Хужжат коди: **GO46602837**

10.2. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

10.5. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.7. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тuzата олмаса, «Пудратчи» уларни тuzатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

10.8. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, молмулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.9. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Хужжат коди: GO46602837

XI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

11.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форсмажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида, томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

11.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

11.4. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

11.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XII. Шартномани бекор қилиш

12.1. «Буюртмачи»:

– шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

– ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

– «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. «Пудратчи»:

– ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

– «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

– «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтгиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор

Хужжат коди: **GO46602837**

килиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар келиб чиққан ҳолда, томонлар қонунга кўра уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил равишда тегишли чоралар кўрадилар.

13.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, ушбу масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган вилоят иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши фақат қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битими орқали расмийлаштирилади.

14.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: GO46602837 IJRO.GOV.UZ

тизими орқали ЭРИ билан
коди: **GO46602837**

14.6. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.8. Шартнома тарафлар имзолаган ва Ҳазначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилган сўнг кучга киради.

14.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабргача деб белгиланади.

14.10. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«Норин ободонлаштириш бошқармаси»

Манзил: Ҳаққулобод ш. Беруний кўча
79

Тел./факс: (+99891) 3421254
х/р: 301821860142167065200110002
Банк: Марказий банк МФО 00014

СТИР 200069493 ОКНХ 90290
Норин тумани буйича газначилик
булинмаси
х/в: 23402000300100001010
ХККМ Тошкент шаҳар Марказий банк
МФО: 00014
Газначилик булинмаси
СТИР 201122919
Бошлиғи _____ М. Мирзахмедова

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ
коди: **GO46602837**



«ПУДРАТЧИ»

"KAPITAL MONTAJ" OOO

Манзил: Норин т Мустақиллик 20
йиллиги МФЙ
Тел./факс: (+99898) 1709020
х/р: 202080000500833192001
Банк: Норин туман Халк Банки

МФО: 00722,
ИНН: 305217484

Бошлиғи _____
Т. Абдусаломов



Наманган вилояти Нурин тумани Катта Октябрьлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишларининг

МОЛНИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молниялаштириш шартлари	2022-йил учун молниялаштириш графиги												Жами
		ойлар												
		январь	февраль	март	апрель	май	июн	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	16
1	Аванс 30%							52 230 000						52 230 000
2	Жорий молниялаштириш (Берилган аванс ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб ахбороти (Ф-3) маълумоти)						*		121 870 000					121 870 000
3	5% кафолат маблағ													
	Жами	-	-	-	-	-	-	52 230 000	121 870 000	-	-	-	-	174 100 000

Буюртмачи  М. Мирзахмедова



 Т. Абдухалимов

2022 йил 19 июлдаги
№ -сонли шартномага
2-илова

Наманган вилояти Норин тумани Катта Октовлик МФЙ сугорни тизimini жорий таъмирлаш ишларини
МОЛНЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молылаштириш шартлари	2022-йил учун молылаштириш графиги												Жами	
		январь	февраль	март	апрель	май	июн	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	16	
1	Аванс 30%							52 230 000							52 230 000
2	Жорий молылаштириш (берилган аванс ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар туғрисидаги ҳисоб-ҳисоб (Ф-3) макдурда)								121 870 000						121 870 000
3	5% зарфолат маблағ														
	Жами	-	-	-	-	-	-	52 230 000	121 870 000	-	-	-	-	-	174 100 000

Буюртмачи  М. Мирзахмедова



 Т. Абдухалимов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ GO46602837

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Qurilish va ta'mirlash ishlarini amalga oshirish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Norin tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 20.07.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.Temirov

2022 yil 22 iyul

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 119663 на приобретение Норин туман Катта Октовлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 15.07.2022

Время рассмотрения 15.07.2022 12:00

Конкурсная комиссия Норин туман Ободонлаштириш бошкармаси (Обод кишлок), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MIRZAXMEDOVA MAXPRATXON NABIYEVNA	Рахбар	Норин ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	XAYTBOYEVA OLMAXON IKROMOVNA	КУК	Норин ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	RAXIMJONOV RAVSHANBEK SOHIRJONOVICH	Бош Мухандис	Норин ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TO'LASHEV G'AYRATJON NABIYEVICH	Объектлар булими бошлиги	Норин ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	XAMIDOV OYBEK ISMAILOVICH	Тех надзор	Норин ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	YULDASHEV NURMUXAMMAD ADASHALIYEVICH	Омборчи	Норин ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.07.2022 года № лота 119663.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений
Подробное описание	Норин туман Катта Октовлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	174 400 000.00
Стартовая сумма	174 400 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ	5	1. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	2	Экспертная		
ООО КАПИТАЛ МОНТАЖ	5	5. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	5	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ	15	5. Машина ва механизмлар рўйхати	10	Экспертная		
ООО КАПИТАЛ МОНТАЖ	15	1. Машина ва механизмлар рўйхати	15	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот структураси Танлов итирокчисининг устав фонди ками билан 1 млрд булиши Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ	25	4. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	20	Экспертная		
ООО КАПИТАЛ МОНТАЖ	25	4. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	25	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш. Объектни бажариш ҳамда топшириш муддати Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника
OOO SIFATLI TARMOQ XIZMAT	25	https://etender.uzex.uz/provider/bid/new/119663#:~:text=3.%20%D0%A2%D0%B0%D0%BD%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%
OOO KAPITAL MONTAJ	25	2. Танловдаги объекта ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботлари дси дан тўғрилиги буйича печати ва маъсул шахс имзоси асосида баҳоланади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO SIFATLI TARMOQ XIZMAT	25	2. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар	15	Экспертная		
OOO KAPITAL MONTAJ	25	3. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
OOO SIFATLI TARMOQ XIZMAT	174 400 000.00	174 350 000.00 UZS	174 350 000.00	00.00	174 350 000.00	14.07.2022 18:58:15	04.99
OOO KAPITAL MONTAJ	174 400 000.00	174 100 000.00 UZS	174 100 000.00	00.00	174 100 000.00	14.07.2022 19:14:41	05.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
------------------------	---------------------------------	--------------------------------	---------------

ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ	71,99955	4,99	76,98955
ООО КАПИТАЛ МОНТАЖ	95	5	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 119663 от 15.07.2022 года на приобретение Норин туман Катта Оқтоғлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО КАПИТАЛ МОНТАЖ
305217484

и резервный исполнитель: ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ (306273075)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарий
Член комиссии	YULDASHEV NURMUXAMMAD ADASHALIYEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MIRZAXMEDOVA MAXPRATXON NABIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	RAXIMONOV RAVSHANBEK SOBIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	TO'LASHEV G'AYRATXON NABIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“19” июль 2022 йил

Норин тумани

Норин туманидаги Норин туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил “6” июлдаги 119663 -сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Норин туман Катта Октовлик МФЙ сугориш тизимини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича ООО KAPITAL MONTAJ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнилари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказилиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳалиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Норин туман ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



М. Мирзахмедова

Норин туман ободонлаштириш
бошқармаси бош ҳисобчиси



Н. Назаров